

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 17 (1248)

2020 ЙИЛ 7 МАЙ



ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ

ИНФЛЯЦИЯ ПАСАЙИШИ КУТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий йил I чорак яқунлари бўйича пул-кредит сиёсати шарҳини эълон қилди.

Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 14 апрелдаги қарори билан асосий ставка 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 15 фоиз даражасида белгиланди.

Ушбу қарор ташқи ва ички талабнинг қисқариши шароитида иқтисодий фаолликнинг секинлашувини ҳисобга олиб инфляция прогнозларини пасайиш томонга қайта кўриб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш лозимки, карантин билан боғлиқ чеклов чораларининг киритилиши муносабати билан март ойининг учинчи ўн кунлигида бир қатор истеъмол маҳсулотлари, жумладан, асосий озиқ-овқат товарлари ҳамда дори-дармонларга бўлган талаб ва уларнинг тақлифи ўртасида тафовут юзага келди. Чакана савдо соҳасининг карантин шароитларига мослашиши натижасида ушбу маҳсулотлар нарҳларида ўсиш кузатилди. Карантин чоралари юмшатилиши билан ушбу омилнинг нархлар даражасига таъсири аста-секин камайиб бориши кутилмоқда.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида



ва 2020 йил сўнгига қадар талаб омилларининг мўътадиллашиши ва мос равишда инфляция даражасига бўлган босимнинг камайишини инобатга олиб, инфляциянинг янгиланган прогноз кўрсат-

кичларига кўра, 2020 йил якуни бўйича инфляция даражаси дастлабки прогноздан (12-13,5 фоиз) 1 фоиз бандга пасайиб 11-12,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Давоми-5

“КАПИТАЛБАНК”ДАН 50 МЛРД. СЎМЛИК ОБЛИГАЦИЯЛАР

“Капиталбанк” АТБ 50 млрд. сўмлик корпоратив облигациялар чиқарилишини эълон қилди.

Жорий йилнинг 24 апрел куни Капитал бозорини ривожлантириш Агентлиги ушбу эмиссия проспектини рўйхатдан ўтказди. Облигациялар савдоси жорий йилнинг 9 майидан бошланади.

“Капиталбанк” ҳар бирининг номинал қиймати 1 млн. сўмдан бўлган 50 000 та нақд пулсиз облигациялар чиқаради. Муомала муддати - 7 йилни, даромадлиги - йиллик 20 фоизни ташкил этади. Фоизлар ҳар ойда қўшиб борилади ва облигацияларнинг тўлиқ қиймати эгасига муомала муддати тугагандан сўнг 10 кун ичида қайтарилади.

Облигациялар бутун йил давомида “Тошкент” Республика фонд биржасида жойлаштирилади ва уларни сотиб олиш имконияти мавжуд бўлади.

Банк Матбуот хизмати



САХИЙЛИК – ИНСОННИНГ ЭНГ ОЛИЙ ХУЛҚИДИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 20 апрель куни sanoat, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сургани жуда катта тарихий воқеа бўлди, десак муболаға бўлмайди. Албатта, ўзбек халқи меҳр-оқибат ва эзгулик каби тушунчаларни доимо ўзида мужассам этиб, бағрикенг ўзбек дея ном таратгани ҳам бежиз эмас.

Ҳозирги пандемия пайтида бутун дунёда кузатилаётгани каби юртимизда ҳам ишсизлар, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли сони ортиши қайд этилган. Бироқ, бағрикенг ўзбек халқи бундай синовли кунларда эзгу-амаллар ва ўзининг саховатпешалиги билан халқ дардига дармон бўлмоқда.

Давоми-2





“ИПОТЕКА БАНК” РОССИЯ БАНКИ БИЛАН ВАКИЛЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

“Ипотека банк” АТИБ томонидан хорижий банклар ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, халқаро ҳисоб-китоблар соҳасида миқозларга қулайлик яратиш мақсадида “Ипотека банк” АТИБ Россиянинг етакчи банкларидан бири бўлган ОАЖ “Сбербанк России” билан вакиллик алоқаларини ўрнатди.

Бунинг учун “Ипотека банк” томонидан Россия банкида Россия рубли ва АҚШ долларларида вакиллик ҳисоб-ва-рақлари очилди.

Фаол вакиллик алоқаларининг ўрнатилиши ҳамда ички ва ташқи бозорларда контрагентлар сонининг кўпайиши банк ривожланишининг стратегияларидан бири ҳисобланади. Молиявий жиҳатдан

бақарор, биринчи тоифали банкларда вакиллик ҳисоб-рақамлари тармоғининг мавжудлиги “Ипотека банк”га халқаро ҳисоб-китобларни энг кам даражали амалиёт таваккалчиликлари билан ва қисқа муддатларда амалга ошириш орқали ўз миқозларига хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини сақлаб туриш имконини беради.

“Ипотека банк”нинг АТИБ ишончли ҳамкор ва профессионал молиявий институт сифатида ишончли мавқеи дунёнинг йирик банклари билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Finance.uz

АЙРИМ БАНКЛАР ФАРМОН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАМАЯПТИ...

Ўзбекистонда 415,3 минг тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда, шундан 352,2 мингтаси кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этади.

Пандемия даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан тезкор чоралар кўрилмоқда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Ўз навбатида, тадбиркорлар ҳам “Маҳалла”, “Саховат ва кўмак”, “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” хайрия жамоат фондларига баҳоли қудрат маблағ ўтказиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилайдиган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахсларга беғараз ёрдам бериб келмоқда.

Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл, Сирдарё вилоятининг Сардоба туманларида рўй берган табиий офатлардан жабрланганларга ҳам беғараз ёрдам кўрсатмоқда.

Бироқ айрим банклар Президентимизнинг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан тадбиркорларга белгиланган имтиёз ва преференцияларни қўллашда ёки бу борадаги мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бюрократияга йўл қўйиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Мисол учун, коронавирус пандемияси даврида “Ника” хусусий корхонаси “Ҳамкорбанк”нинг Қўқон филиалидан олган 322,3 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредитни қайтариш муддати Бизнес-омбудсман ходимлари аралашувидан кейингина узайтириб берилди.



Ўтган давр мобайнида айрим давлат органлари ва ташкилотлар Президентимизнинг тегишли фармони талабларида кўрсатилган имтиёз ва преференцияларни қўллашни рад этгани сабабли Бизнес-омбудсман томонидан 12 тақдимнома, 63 огоҳнома, 3 хулоса, 42 маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан баённома ва 5 та 1 миллиард 5 миллион сўмдан ортиқ иш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Бизнес-омбудсман
Матбуот хизмати
Ў.А.

САХИЙЛИК – ИНСОННИНГ ЭНГ ОЛИЙ ХУЛҚИДИР



1-бошланиши

Маълумки, саховатли юртдошларимиз хайру эҳсонни фақат савоб учун яширин тарзда амалга оширишга ҳаракат қилиб келган. Аммо ҳозирги қийин кунларда одамларга далда бўлиш ёки ибрат кўрсатиш орқали бошқаларни ҳам шунга даъват қилиш маъносидан бундай ишлар кўпроқ ошкора амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ҳам ана шу қадриятни доимо қадрлайди ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни

қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги қадриятларни амалга оширишга эътибор қаратиб келади.

Хусусан, “Трастбанк” ва Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ҳамкорлигида Банкнинг Амалиёт бошқармасида туман аҳолисини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳисобрақами очилганига жуда қисқа муддат бўлган бўлишига қарамай, бугунги кунгача банк ва туман тадбиркорлари

томонидан 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ келиб тушди.

Банкнинг Амалиёт бошқармаси ва Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳамкорлигида тумандаги 51 та маҳалла қамраб олиниб, 3,5 мингдан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд, қаровчисиз қолган қариялар, боқувчисини йўқотган ва вақтинча ишсиз қолган оилаларга далда бўлиш ва етимлар бошини силашда барчага ибрат бўлиш мақсадида ҳар бир оила аъзосига 1 млн. сўмдан пул маблағла-

ри билан тўлдирилган махсус банк пластик карталари очилди ҳамда санитария қондаларига амал қилган ҳолда аҳолига етказиб берилиши таъминланди.

– Эзулик, меҳр-шафқат ва сабр-қаноат оий бўлган фазилатли Рамазон оий бу йил дунёда коронавирус касаллиги кенг тарқалган оғир даврга тўғри келди, – дейди маҳалла фаоли.

Албатта, ҳадиси шарифларимизда ҳам “Эҳтиёжманд мискинга ғамхўрлик қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида саъй-ҳаракат қилувчи ёки кечалари билан тоат-ибодат қилиб, кундузлари рўза тутувчи киши кабир, –

дейилган. Юртбошимизнинг “Саховат ва кўмак” фондини ташкил этиш ташаббуслари билан бугун туман ҳокимлиги, тадбиркорлар ва Трастбанк раҳбарияти томонидан маҳаллаамиз фуқароларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида қилган хайр-эҳсонларидан жуда миннатдоримиз, бу маблағ ҳозирги пандемия шароитида албатта халқимизга катта кўмак бўлди, – дея сўзини якунлайди маҳалла фаоли.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ва Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги жамоаси “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан ушбу хайри ишларни ташкил этишида яқиндан ёрдам бераётган барча ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимларига ўз миннатдорчилигини билдиришда ҳамда ҳомийлик истагида ушбу акцияга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган саховатпеша фуқаролар ҳамда тадбиркорларимизни ҳамкорликка чорлайди.



Саховат ХАИТКАРИЕВА

“ЎЗАГРОСУҒУРТА” АЖ: КАРАНТИН ДАВРИДА 3,7 МИЛЛИАРДДАН ОРТИҚ СУҒУРТА ТОВОНЛАРИ МАВЖУД

Карантин даврида “Ўзагросуғурта” АЖнинг жойлардаги филиаллари ҳамда бўлимларига жисмоний ва юридик шахслардан даъво аризалари келиб тушиши давом этмоқда.



Ушбу синовли кунларда ҳар бир мурожаатни қисқа муддатда қўриб чиқиш ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш масаласи компанияда устувор вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда миқозларга тўлов ҳужжатларини электрон тақдим қилиш имконияти яратилган. Бу эса юридик ва жисмоний шахсларга ортиқча овозгарчиликсиз суғурта қопламасини олиш учун қўл келмоқда.

Тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш борасидаги қўрилган чора-тадбирлар натижасида компания 2020 йил 1 апрелдан шу кунга қадар жами 1 миллиард 227 миллион сўмлик суғурта товони тўлади.

Шундан, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” туридан 236,2 миллион сўм, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини

мажбурий суғурта қилиш” бўйича жами 644,5 миллион сўм суғурта товони тўлаб берилди.

Бундан ташқари, 2019 йил пахта кам ҳосиллиги суғуртаси туридан 4 фермер хўжалигининг 243,6 миллион сўмлик зарари қопланди.

Бошқа суғурта турлари бўйича 62 даъво аризаси ўрганиб чиқилди. Унга кўра жами 104,5 миллион сўм суғурта товонлари тўлаб берилган.

Навбатдаги муҳим маълумот шуки, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятида яна 2,5 миллиард сўмдан ортиқ суғурта товонлари аниқланган бўлиб, ушбу тўловлар қисқа муддатда ўрнатилган тартибда тўлаб берилди.

“Ўзагросуғурта” АЖ
Матбуот хизмати

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТИКЛАНМОҚДА

Давлат солиқ кўмитасига хўжалик юривчи субъектлардан фаолиятини тиклаш ва автомобилларда ҳаракатланишга рухсат бериш тўғрисида кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Ўзбекистонга коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси қарори билан 30 апрелдан бошлаб янги тартиб жорий этилди.

Хусусан, фуқароларга автоуловларда 07:00 дан 10:00 гача ва 17:00 дан 20:00 гача ҳаракатланишга рухсат берилди. Ишени вақтинча тўхтатиб турган тадбиркорлар иложи борича тезроқ фаолиятини қайта тиклашга ҳаракат қилмоқда.

Транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта тиклашга рухсат бериш учун барча туман (шаҳар) ҳокимликларида солиқ хизмати, ички ишлар органлари, прокуратура ҳамда санитария ва оқсийишлик маркази ходимларидан иборат махсус штаблар ташкил этилган.

Фаолиятини қайта тикламоқчи бўлган ва транспорт воситаларининг ҳаракатланишига рухсат олишни истаган тадбиркорлар солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган туман (шаҳар) ҳокимликларига, карантин даврида белгиланган вақт – 07:00 дан 10:00 гача ва 17:00 дан 20:00 гача шахсан ташриф буюришлари керак.

Бунинг учун туман ҳокимликларидаги махсус штабга ариза ва тегишли ҳужжатларни тақдим этиш лозим.

Ариза штаб аъзолари томонидан бир иш куни ичида қўриб чиқилади (тадбиркорлик фаолияти мавжудлиги ва барча карантин талабларига жавоб бериши текширилади).

Рухсат бериш асоссиз равишда рад этилган тақдирда, штаб таркибидagi прокуратура вакиллари мурожаат қилиш тавсия этилади.

Эслатиб ўтамиз, фаолиятини қайта тиклаш ва транспорт воситаларида ҳаракатланиш учун рухсат ҳамма тадбиркорлик субъектларига ҳам бериларкандай.

Инқирозга қарши Республика комиссиясининг жорий йил 25 апрелдаги қарорига биноан қуйидаги субъектларга фаолиятини қайта тиклаш ва транспорт воситаларида ҳаракатланишга рухсат берилади:

– қурилиш материаллари бозорлари (қурилиш материалларининг чакана ва улгуржи савдоси учун мўлжалланган майдон 500 кв.м дан кам бўлмаганда);

– йирик ишлаб чиқарувчи субъектларнинг ўз маҳсулотларини сотишга мўлжалланган ҳудудлардаги тармоқ дўконлари (1 нафар харидорга 10 кв.м. санитар талабларига риоя этилиш шарти билан);

– ҳунарманд ва усталарга (улар томонидан ясалган буюмларни бозорлардан ташқари алоҳида жойлашган дўкон/магазинларда сотиш амалга оширилганда);

– уруғ ва кўчат етиштириш ва уларни сотиш билан шугулланадиган (мулкчилик шаклидан қатъи назар) тадбиркорлик субъектлари;



– турли объектлардаги тижорат банклари-нинг (кассалари) шохобчалари;

– автомобилларга эҳтиёт қисмлар сотиш фаолияти билан шугулланадиган (мулкчилик шаклидан қатъи назар) тадбиркорлик субъектлари (агар савдо йирик авто бозорларда алоҳида жойларда/магазинларда амалга оширилса);

– автомобиллар, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш техникаларига сервис хизмат кўрсатувчи (майдони 1000 кв.м дан кам бўлмаган) ташкилотлар, шунингдек, вулканизация хизматлари кўрсатувчи субъектлар;

– кимёвий тозалаш билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектлари;

– нотариал идоралар ва суғурта компаниялари;

– тўхтатишган инвестиция лойиҳалари ва ижтимоий соҳа объектлари қурилиши.

Карантин шароитида мазкур корхоналар фаолиятларида санитария-эпидемиология қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт.

ДСҚ матбуот хизмати.

РАСМІЙ ТАЙИНЛОВ



Акбаржонов Азиз Акбаржон ўғли “Ўзсаноатқурилишбанк” Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

А.Акбаржонов (1985 йилда туғилган) бунга қадар “Ўзсаноатқурилишбанк” Кредит бош директори лавозимида фаолият юритган. Унга қадар “Ўзсаноатқурилишбанк” Ижро аппарати ва лойиҳа бошқаруви департаменти директори, ЎзМиллийбанкда қатор раҳбарлик лавозимларида ишлаган.



“ОНЛАЙН-ОМОНАТЛАРГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ” ХИЗМАТИ НАРХИ ЎЗГАРДИ

“Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖ – “Uzcard” тўлов тизими оператори, Ўзбекистон Республикаси “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги Қонунининг 8-моддасига асосан, “Онлайн омонатларга оид маълумотларни қайта ишлаш” хизматининг нархи “0%” дан “0,25%”га ўзгарганлигини маълум қилади.



СУҒУРТА ҚОПЛАМАЛАРИ ТўЛАБ БЕРИЛДИ

“Ўзбекинвест” суғурта компанияси компанияси Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари туманларида шиддат билан содир бўлган табиий офат – кучли шамол оқибатида мол-мулкни зиён кўрган миқозлардан аризаларни зудлик билан қабул қилишни бошлади. Ҳозирда қабул қилинган 40 та аризадан 5 таси тезкор қўриб чиқилиб, 35,4 млн. сўм тўлаб берилди.

Қолган аризалар бўйича ҳам зарур қопламалар яқин кунларда тўлаб берилади.

“Ўзбекинвест” компанияси яна бир бор фуқароларга ўз мулкларини турли табиий ҳодисалардан суғурта қилишларини қатъиян тавсия этади.

Суғурта бу – ҳар бир инсон учун суғурта тўловини олишига ҳамда ўз мол-мулк ва жамғармасини сақлаб қолишига имкон берувчи синалган хизмат.

“Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори (ПҚ-4700-сон, 01.05.2020 й.) қабул қилинди.

Қарор билан фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сув захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга кириштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартларда ажратиб бериш тартиби белгиланди.

Унга кўра, туман ҳокимлиги

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН АҲОЛИГА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ЕР АЖРАТИЛАДИ



фойдаланишга киритилган ер майдонларини:

– деҳқончилик соҳасида билим ва кўникмага эга бўлган, биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектаргача деҳқон

хўжалиги юритиш учун, истисно тариқасида, 10 йилгача муддатга ижарага беради;

– тажриба синов тариқасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча харажатларни олдин-

дан тўлаш шarti билан 5 гектаргача бўлган ер майдонларини 10 йилгача муддатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотади.

Ажратилган ер майдонларида сув тежовчи технологиялар қўлланади ва устувор равишда сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинлар экилади ва бог, тоқзорлар барпо этилади.

Ердан фойдаланиш давомида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган, ижара харажатларини ўз вақтида қоллаган тадбиркорларга ердан фойдаланиш муддатини узайтиришда

устуворлик ҳуқуқи бериллади.

Ушбу қарор доирасида бериладиган ер майдонларида енгил конструкцияли дала шийпон ва сўғориш иншоотларини жойлаштиришга рухсат бериллади, бошқа турдаги, шу жумладан турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман қилинади.

Шунингдек, қарорга кўра, қишлоқ хўжалиги кооперацияларида иштирок этадиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар тоифасига кирувчи ҳар бир оила парранда боққан даври (40 кун) учун Жамоат ишлари жамғармасидан кўшимча 500 минг сўмдан рағбатлантирилади.

“Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди.

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИНГ ЭНГ КЎП МИҚДОРЛАРИ ОШИРИЛДИ



Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 майдан бошлаб 2022 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларга хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартсиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозоридан сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратишга рухсат берилди.

Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан қуриб битказилган квартираларни, шунингдек, тайёр ҳолда топшириш шартсиз (пардоз ишларини амалга оширмасдан) қурилган квартираларни бирламчи уй-жой бозоридан сотиб олиш

учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари:

– қишлоқ жойларида 2 хонали квартиралар учун 174 миллион сўмдан 240 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 224 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача;

– шаҳарларда 2 хонали квартиралар учун 180 миллион сўмдан 240 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 232 миллион сўмдан 320 миллион сўмгача;

– Тошкент шаҳрида 2 хонали квартиралар учун 198 миллион сўмдан 264 миллион сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 255 миллион сўмдан 352 миллион сўмгача оширилади.

Янги тартиб доирасида аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари (шу жумладан, бугунги кунга қадар ажратилган ипотека кредитлари) муддати 15 йилдан 20 йилгача узайтирилади.

ХУСУСИЙ ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА КАФИЛЛИК ВА КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИЛАДИ



Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига янги тартиб доирасида шаҳар ва қишлоқ жойларида 4 ва ундан юқори қаватли ҳамда Тошкент шаҳрида 7 ва ундан юқори қаватли кўп квартиралар уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича:

– кредит суммасининг 50 фоизига, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмайдиган кафиллик бериллади;

– фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган ва суммаси 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

Бунда, кафиллик ва компенсациялар Молия, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Қурилиш ва зирликлар томонидан квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда 2 хонали, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар майдонининг белгиланган метрларининг инobatга олган ҳолда кўп квартиралар уй-жойлар қурилганда бериллади.

“Huqquiy axborot” канали материаллари асосида тайёрланди.

ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ҚАТОР ЕНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Коронавирус пандемияси даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахслар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги 5969-сонли ва 2020 йил 3 апрелдаги 5978-сонли Фармонлари билан қатор имтиёз ҳамда преференциялар тақдим қилинди.

Маъмур амалий ишларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 27 апрелда “Коро-



навирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5986-сонли Фармони қабул қилинди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари учун кўшимча бир қатор енгилликлар берилди.

Жумладан, 2020 йилнинг 1 апрелидан 2020 йилнинг 1 октябрга қадар жисмоний шахсларга турар жойларини жисмоний шахсларга ва коронавир пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижа-

рага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинган даромадлар бўйича солиқни фоизсиз кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилди. Бунда, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлаш бўйича берилган кечиктириш суммаси 2021 йил 1 апрелга қадар муддатгача тенг улушларда тўланиши белгиланди. Шу билан бирга, Фармонда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш тарти-

би тадбиркорлик субъектларининг амалдаги кредит шартномаларига ҳам тадбиқ қилиниши кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги 5978-сон Фармонининг 6-бандида назарда тутилган соддалаштирилган тартибда солиқларни тўлаш бўйича фоизсиз кечиктириш бериш муддати 2020 йил 31 декабргача узайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги 5986-сон Фармонида белгиланган имтиёз ва енгилликлардан бевосита туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга.

UZBEKTURISM.UZ

ИНФЛЯЦИЯ ПАСАЙИШИ КУТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жорий йил I чорак якунлари бўйича пул-кредит сиёсати шарҳини эълон қилди.

1-бошланиши

Бошқарувнинг олдинги (жорий йил 5 мартдаги) йиғилишида тартибга солинадиган нархларнинг эркинлаштирилиши ва коронавирус пандемиясининг инфляцияга тақлиф омиллари орқали таъсири билан боғлиқ ноаниқликларнинг сақланиб қолиши шароитида асосий ставка ўзгаришсиз қолдирилган эди.

Тартибга солинадиган нархларни эркинлаштириш муддатларининг кечиктирилиши ҳамда жорий иқтисодий шароитлар коронавирус пандемиясининг инфляция даражасига таъсири кўпроқ талаб омиллари томонидан бўлаётганлигини ва келгусида ушбу омилларнинг пасаявчи характерга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаоллик

Жорий йилнинг март ойдан бошлаб жаҳонда ва Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш борасида олиб борилаётган чораларнинг кучайтирилиши ва нефть нархининг пасайиши натижасида иқтисодий ўсишнинг секинлашиши кузатишмоқда.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, ўз навбатида, аҳоли даромадларининг қисқариши ва ички талабнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади.

Бу, биринчи навбатда, банк тизими орқали амалга оширилаётган транзакциялар сонига, шунингдек, Ўзбекистон товар-хомашё биржасида амалга оширилган битимлар сонига ўз аксини топмоқда.

Албатта, чеклов чораларининг босқичма-босқич бекор қилиб борилиши натижасида иқтисодий фаоллик аста-секин инқирозгача бўлган даражасига қайтади ва бу, айти пайтда

маълум бир вақтни талаб қилади.

Шу билан бирга, иқтисодиётни кредитлаш фаоллигида ҳам маълум бир пасайиш тенденцияси кузатишмоқда. 2020 йил январь-апрель ойларида тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиги ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 фоиз бандга секинлашиб 7 фоизни ташкил этди. Банklar томонидан жиқмоний шахсларни тўлов муддати келган кредитларининг 75 фоизи, юридик шахсларни эса 58 фоизи бўйича тўлов муддатлари узайтириб берилди. Бу, ўз навбатида, банklarга пул оқимларининг кириб келиши пасайиши ҳисобига уларнинг кредитлаш имкониятининг маълум бир даражада қисқаришига олиб келади.

Инфляция ва инфляция кутилмалари

Жорий йилнинг I чорагида инфляция даражасининг дастлабки прогноз кўрсаткичларидан тезроқ суръатларда пасаяётгани кузатилиб, март ойда йиллик инфляция 13,6 фоизни ташкил этди. 2020 йил I чорагида истеъмол нархлари ошиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 фоиз бандга секинлашиб, 2,8 фоизга тенг бўлди. Бу дастлабки прогнозларга нисбатан 0,5 фоиз бандга пастдир.

Бу асосан, мазкур даврда айрим тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз сақланиб қолинганлиги ҳамда қатъий фискал ва пул-кредит сиёсати юритилиши ҳисобига базавий инфляция даражасининг секинлашиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг ҳудудлардаги кузатувларига кўра, жорий йил апрель ойининг биринчи ярмида айрим асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлар

рининг ўсиши ҳисобига аҳоли томонидан сезилган инфляция маълум бир даражада ошди.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу асосий маҳсулотлар нархининг ўсиши қисқа муддатли бўлиб, ойлик инфляция даражасини оширади. Карантин чораларининг юмшатилиши ва бозорларнинг янги мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўйиниши ҳисобига ушбу товарлар гуруҳида нархлар келгуси ойлarda мувозанатлашади.

Жорий йилнинг апрель ойда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсида асосан ташқи омиллар таъсирида тўғрилиниш кузатилади. Бу маълум даражада, импорт нархлари даражасига таъсир кўрсатиши мумкин. Айти пайтда, импорт қилинадиган ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг пастлиги карантин ва тикланиш даврида ушбу омилнинг инфляцияга таъсирини камайтиради.

Март ойда аҳолининг инфляция кутилмалари 15,5 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолди. Иқтисодиётда келгусида инфляциянинг, айниқса, сезилмаётган инфляциянинг янада пасайиши ва карантин чекловларининг юмшатилиши, ўз навбатида, инфляция кутилмалар пасайишига хизмат қилади.

Пул-кредит шароитлари
2020 йил январь-апрель ойларида банк тизимида ликвидлик даражаси Марказий банк томонидан ўтказилган пул-кредит операциялари таъсирида шаклланиб, банк тизими барқарорлигини таъминлаш учун етарли даражада бўлди.

Пул-кредит операцияларидан тижорат банклари ҳам ликвидлик тақдим этиши ҳам ортиқча ликвидликни жалб қилиш мақсадида фойдаланилиши банк тизимида ликвидликнинг бир маромда қайта тақсимланишига ва пул бозоридаги фоиз ставкаларининг

Марказий банк фоиз коридори доирасида шаклланишига хизмат қилди.

Жорий йилнинг I чорагида пул бозоридаги ўртача тортилган фоиз ставка 15,6 фоизни ва апрель ойининг ўтган даврида 16,6 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-апрель ойларида аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари қолдиги 10 фоизга ошди.

Карантин даврида жиқмоний шахсларнинг пластик карталаридаги маблағлар қолдигида ўсиш кузатишмоқда. Апрель ойда пластик карталардаги маблағлар 26 фоизга ошди. Жорий йилнинг февраль ва март ойларида, пул-кредит операциялари доирасида, тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг депозит инструментларига юқори талаб бўлган бўлса, апрель ойдан бошлаб бунда сезиларли ўзгаришлар кузатилиб ва банklar асосан ликвидликни тақдим қилиш инструментларига мурожаат қила бошлади. Апрель ойда банklarга аукцион шаклида ликвидликни тақдим этиш операциялари ҳажми март ойига нисбатан 23 фоизга, овернайт шаклида эса 3 баробардан ортиққа ўсди.

Ноаниқлик ва хатарлар
Коронавирус пандемиясининг иқтисодиётга таъсир кўлами ва давомийлиги бўйича ноаниқликлар сақланиб қолмоқда.

Ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашиши шароитида мамлакатимизга кириб келадиган трансчегаравий пул ўтказмалари йиллик миқдори ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада қисқариши кутилмоқда.

Бунда, Марказий банк ташқи ва ички шароитлар таъсирида инфляциянинг омиллари ва хатарлари хусусиятини чуқур ўрганишда давом этади ҳамда инфляция прогноз динамикасининг шаклланишидан келиб чиқиб асосий ставка даражаси бўйича тегишли қарорларни қабул қилиб боради.

Маълумотнинг батафсил шарҳи билан Марказий банкнинг расмий вебсайти орқали танишиш мумкин.

САВОЛ-ЖАВОБ

– Республика Махсус комиссиясининг қарорига кўра, тижорат банкларининг объектлардаги шохобчаларига фаолият юритиши учун рухсат берилди. Ушбу қарор асосида банк инфратузилмалари айнан қайси объектларда ишга туширилмоқда ва уларни ишлаш тартиби қандай бўлади?



– Инқирозга қарши курашиш Республика Махсус комиссиясининг 2020 йил 24 апрелдаги қарорига асосан тижорат банкларининг объектлардаги шохобчалари (кассалари)га санитария-эпидемиология талаблари асосида фаолият олиб боришга рухсат берилди.

– Жойлардаги банк хизматларига бўлган талабни инобатга олган ҳолда, тижорат банки биносидан ташқарида жойлашган кассалари, валюта айирбошлаш шохобчаларининг фаолият юритиши йўлга қўйилмоқда.

– Ушбу инфратузилмалар қатъий белгиланган санитария-эпидемиология талаблари асосида карантин қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда, ўз фаолиятларини амалга оширишлари лозим.

– Хусусан, банк ходимлари ва мижозларнинг банк биносидан бир-бирдан камда 2 метр оралиқда ижтимоий масофани сақлаган ҳолда фаолият олиб боришларини таъминлаш талаб этилади.

– Банка ташриф буюрувчиларни бирма-бир текшириш ва антисептик воситалар ёрдамида дезинфекциялаш, шу жумладан, банк биносини ҳам белгиланган вақт оралиғида дезинфекциялаш лозим.

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози (ўсиши, ўтган йилга нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2019		2020	
	факт	дастлабки прогноз	янгиланган прогноз	
Реал ялпи ички маҳсулот	5,6	5,2-5,5	1,5-2,5	
Йиллик инфляция	15,2	12-13,5	11-12,5	
Якуний истеъмол харажати	6,6	2,8	-1,4	
Трансчегаравий пул ўтказмалар	19	10	(-30) – (-35)	
Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши	33,9	10	6,4	
Иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиги	54,8	20-25	18-22	

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА КУТИЛАЁТГАН ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Қисқа вақт ичида коронавирус касаллиги (COVID-19)нинг глобал миқёсда кенг тарқалиши деярли барча давлатлардаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга салбий таъсир кўрсатиб, унинг таъсир кўлами кенгайишда давом этмоқда.

Кўплаб халқаро ташкилот ва экспертлар томонидан дунёда ва умуман олганда ҳар бир мамлакат иқтисодиётида кузатилаётган мураккаб вазият ва қийинчиликлар характери жиҳатдан олдинги иқтисодий инқирозлардан фарқ қилиб, кўлами жиҳатдан 1929-1932 йиллардаги "Буёқ депрессия" дан кейинги энг оғир ҳолат сифатида қайд этилмоқда. Хусусан, 1929-1932 йиллар мобайнида дунё иқтисодиёти умумий ҳисобда тахминан 15 фоизга қисқарган бўлса, 2008-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироз натижасида глобал иқтисодий ўсиш суръатлари мос равишда 3 ва -0,6 фоизни ташкил этган.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) нинг жорий йил биринчи ярмида коронавирус пандемияси кенгайишининг тўхтатилиши ва иккинчи ярим йилдан бошлаб иқтисодий фаолликнинг босқичма-босқич тикланиши бўйича тахминларига асосланган базавий прогнозларига кўра 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 3 фоизга қисқариши кутилмоқда. Бунда, иқтисодий пасайиш ривожланган давлатларда 6,1 фоизни (шу жумладан, АҚШ -5,9 фоиз, Еврозона мамлакатлари -7,5 фоиз) ва ривожланаётган мамлакатларда -1 фоизни, шунингдек, Россияда -5,5 фоизни ва Қозғоғистонда -2,5 фоизни ташкил этиши, Ўзбекистонда эса 1,8 фоизлик иқтисодий ўсиш прогнози қилинмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки: биринчидан, юзага келган мураккаб иқтисодий вазият банк ва молия секторидagi қандайдир инқирозли ҳолат натижаси эмас. Шунингдек, фискал ёки монетар сиёсат орқали унинг тўлиқ ечимини таъминлаш имконияти чекланган. Мавжуд вазият, энг биринчи навбатда "инсоний" ёки "инсон соғлиги инқирози" билан боғлиқ; иккинчидан, одатда инқирозлар талаб (банк тизимидаги инқироз ва кредитларнинг секинлашуви, ёки давлат қарзининг ошиб кетиши натижасида харажатларнинг қисқариши, даромадларнинг камайиб кетиши) ёки тақлифнинг яъни, ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариши (уруш ва

табiiй офатлар, қарз инқирозлари ва ҳ.к.) билан боғлиқ омилларнинг бири таъсирида юзага келади. Амалдаги иқтисодий вазиятнинг мураккаблиги, бир пайтнинг ўзида талаб ва тақлифнинг қисқариши билан изоҳланади;

учинчидан, коронавирус пандемиясининг тўхтатилиши ва ундан кейинги босқичда чекловларнинг олиб ташланиши ҳамда ушбу касаллик тарқалишининг иккинчи тўлқини билан боғлиқ юқори даражадаги ноаниқликларнинг мавжудлиги: (а) бизнес субъектлари учун ишлаб чиқариш ва инвестицион лойиҳалар бўйича; (б) аҳолининг истеъмол фаоллигига; ҳамда (в) ҳукуматлар томонидан фискал ва монетар кўлаб-қуватлаш, ташқи ва ички қарзларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя ҳажми ва дастурларини белгилаш борасида аниқ қарорларни қабул қилишда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан коронавирус пандемиясининг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш вазифаси, биринчи навбатда, ушбу касалликнинг аҳоли соғлигига таъсирини минималлаштириш, ушбу борада киритилган чекловларни эҳтиёткорлик билан босқичма-босқич олиб ташлаш ва келгусидаги вазиятни имкон қадар аниқроқ баҳолаш олиш орқали инқироздан кейинги иқтисодий тикланиш сиёсатини тўғри шакллантириш ва амалга оширишдан иборат бўлади.

**2020 ЙИЛНИНГ
I ЧОРАГИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ҲОЛАТ ВА АСОСИЙ
МАКРОИҚТИСОДИЙ
КўРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ**
2020 йилнинг I чорагида иқтисодий ўсиш суръати 4,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичига (5,7 фоиз) нисбатан 1,6 фоизга секинлашиши кузатилди.

2020 йилнинг I чорагида иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 10,2 фоизга қисқариши кузатилди. Чакана савдо айланмаси 40,1 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,8 фоизга ёки аҳоли жон бошига нисбатан эса 1,8 фоизга ўсди (2019 йилнинг мос даврида аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси ўсиши 4 фоизни ташкил этган).

Жорий йилнинг I чорагида иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми 29,7 трлн. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръатларининг секинлашуви кузатилди. Аҳолига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 баробарга ошиб, жами кредитларнинг қарийб тўртдан бир қисmini ташкил этди. Кўрилатган даврда, банклар томонидан тadbиркорлик субъектлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 22,7 трлн. сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 трлн. сўм кўп кредит маблағлари ажратилди.

аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумий даромадлар эса 7,6 фоизга кўлайди. Бунда, меҳнат фаолиятдан олинмайдиган жами даромадлар аҳолининг умумий даромадлар таркибида 66 фоизни, расмий сектордаги даромад улуши 33,3 фоизга етди.

ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида пул ўтказмалари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,6 фоизга ошган бўлса, март ойида 23 фоизга камайиб, натижада



КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ

Жорий йилнинг I чорагида консолидациялашган бюджет харажатларининг 4 даромадларга нисбатан юқори суръатларда ўсиши кузатилди. Жумладан, даромадлар эса -14,1 фоизга, харажатлар эса -14,6 фоизга ошиб, давлат бюджет баланси ЯИМга нисбатан 0,5 фоиз тақчиллик билан ижро этилди. Бундай ҳолат йилнинг биринчи чорагига хос бўлган тенденциядир. Ушбу харажатларнинг ошishi соғлиқни сақлаш, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари миқдорининг сезиларли кўпайиши билан изоҳланади.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ

Ушбу даврда бюджетдан молиялаштириладиган иш ҳақи ва бошқа бирламчи харажатларни, шунингдек нафақа ва ижтимоий тўловларнинг муддатидан кечиктирмай тўлаб борилиши аҳолининг реал умумий даромадларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Кўрилатган даврда ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори 26,5 фоизга,

I чорада пул ўтказмалари ҳажмининг 2 фоизга ўсиши кузатилди. Ташқи иқтисодий фаолият. 2020 йилнинг I чорагида республиканинг ташқи савдо айланмаси 8,1 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 924,0 млн. долларга ёки 10,2 фоизга камайди. Ушбу чорада импорт ҳажми 4,8 млрд. долларни ташкил қилиб солиштирилаётган даврга нисбатан 9,7 фоизга қисқарди. Импорт ҳажмларидаги қисқариш асосан коронавирус пандемияси натижасида таъминот занжирини билан боғлиқ муаммолар билан ифодаланиши мумкин. Ташқи талабнинг пасайиши ва кўпгина экспорт товарлари нархларининг пасайиши таъсирида экспорт ҳажми 10,9 фоизга камайиб, 3,4 млрд. долларни ташкил қилди.

2020 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ БЎЙИЧА

ДАСТАБЛАКИ ПРОГНОЗЛАР
Вазиятнинг кескин ўзгарувчан бўлишини инобатга олиб бугунги кунда кутилаётган макроиқтисодий вазият бўйича нисбатан аниқ прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш мураккаб бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, бугунги

кунда вазиятдан келиб чиқиб ҳамда дунё мамлакатларида коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловларнинг асосий қисми жорий йилнинг биринчи ярмида олиб ташланишини тахмин қилиши асосида 2020 йил якуни бўйича иқтисодий ўсиш суръатлари 1,5-2,5 фоиз атрофида бўлиши прогнози қилинмоқда. Ижобий ўсиш суръатларининг сақлаб қолиниши қўйидаги омиллар ҳисобига таъминланади: - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг дастлабки прогноз кўрсаткичдан 3,5-4 фоиздан нисбатан юқорироқ кутилиши. Бунда қишлоқ хўжалигининг ЯИМ таркибидаги улуши 30 фоиз атрофида эканлигини инобатга олади-ган бўлса, ушбу соҳадаги ижобий динамика иқтисодий ўсишни кўлаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга; - саноат соҳасида ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатларининг секинлашишига қарамай 3,4 фоиздан зиёдга ошиши прогнози қилинмоқда. Саноат соҳасининг ЯИМ таркибида 30 фоиздан юқорилиги ҳисобига мазкур ижобий ўсиш суръати ҳам умумий иқтисодий ўсиш суръатларини кўлаб қувватлайди. Иқтисодий ўсишнинг секинлашуви таъсир қилувчи омиллар: - коронавирус пандемияси биринчи навбатда хизматлар кўрсатиш соҳасига кўпроқ таъсир кўрсатишини инобатга олиб мазкур соҳада иқтисодий ўсиш 2020 йил якуни бўйича 0,7-1,0 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. Ушбу тенденциянинг сақланиб қолиши жорий йил биринчи чорада хизматлар соҳасининг 3,8 фоизга ошиши ҳамда учинчи чорадан бошлаб жонланиши билан изоҳланади; 12 - халқаро пул ўтказмаларининг 30-40 фоизга қисқариши аҳоли даромадларининг ва иқтисодиётда истеъмол харажатларининг камайишига олиб келади. Умуман олганда хусусий секторда якуний истеъмол харажатлари дастлабки прогноз қилинган 6,8 фоизлик ўсишдан паст бўлиб, 1,2 фоизгача қисқариши мумкин. Ўз навбатида инқирозга қарши жамғарманинг шаклланиши ҳамда ички ва ташқи ресурсларни мобилизация қилиш ҳисобига давлат харажатларининг прогнози қилинган даражада ушлаб турилиши иқтисодиётда умумий талабни рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумотнинг батафсил шарҳи билан вазирликнинг расмий вебсайти орқали танишиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
иқтисодий тараққиёт ва
камабағалликни
қисқартириш вазирлиги**

ТИЖОРAT БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ

Шиддат билан ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиши ундаги мавжуд банк тизимидаги молиявий барқарорликка узвий боғлиқ экани ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Чунки, иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги корхоналар барпо этиш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда банклар муҳим ўрин тутуди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2020 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4563-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури тасдиқланди. Унда 850,5 трлн сўм инвестициялар, шу жумладан, 35,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи 2020-2022 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, 2020-2022 йилларда инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилишнинг прогнозлари, 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи 2020 йилда ийрик ишлаб чиқариш объекти ва қувватларини ишга тушириш манзилли дастури кўрсатилган.

Мазкур қарордан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самардорлигини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароит яратишдир. Хусусан, яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф этиш, ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни янада ривожлантиришга тўлиқ эркинлик бериш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу билан инвестиция ва банк инвестицион кредитлари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принцип ҳамда механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини ислох этишни талаб қилади.

Айни кунда "Агробанк" АТБ томонидан дунё тажрибаси ўрганилиб замонавий республикамиз тадбиркорлари ва фуқаролари учун энг замонавий услублардан фойдаланган ҳолда сифатли банк хизматлари тақдим этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожига ўз хиссасини қўшмоқда. Масалан, сўнгги

йиллар давомида инвесторларимизга сифатли хизматлар кўрсатилиб, фермер хўжалиқлари ва тадбиркорлик субъектларининг талабларига мос турли кредитлар ажратиб келмоқда.

Шунингдек, 2019 йил якуни бўйича "Халқ эътиборини қозонган банк" номинацияси бўйича ғолиб бўлди. 2020 йил "Asia money" халқаро нашриёти томонидан ҳар йили ўтказиладиган "Best bank awards" (Энг яхши банк тақдими) доирасида "Агробанк - Ўзбекистоннинг энг яхши рақамли банки" ("Best digital bank") деб топилди.

Ҳозирги кунда "Агробанк" АТБ томонидан Инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали молиялаштириш учун бир қанча Халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредит линиялари орқали ресурслар жалб қилинган. Жумладан, Германиянинг LANDESBANK BADEN-WURTEMBERG, COMMERZBANK AG, АКА БАНК, Швейцариянинг CREDIT SUISSE банки, Туркиянинг Т.С. ZIRAAT BANKASI A.S. ҳамда Хитой давлат ривожланиш банклари орқалидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар солар эканмиз, уларнинг асосий даромадлари ва статистик кўрсаткичлари инновацион жараёнларнинг тўғри ташкиллаштирилганлиги ҳамда доимий равишда такомиллаштириб борилаётгани билан алоҳида эътиборга лойиқдир. Шундан келиб чиқиб жалб қилиб келинаётган ресурслар ҳисобидан "Агробанк" АТБ томонидан йиллар давомида 9 089 млрд. сўмга яқин инвестицион лойиҳалар молиялаштирилиб келинди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар асосида минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Агробанк" АТБ томонидан 24/7 асосида замонавий банк хизматларини кўрсатишнинг янги ҳуслари, кредитлаш тизимларини жорий этиш устида ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳамда барқарор молия тизимига асос бўлади деган хулосага келиш мумкин.

Жонибек БОЗОРОВ
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
2-курс тингловчиси

Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича раҳбарият томонидан белгилаб берилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР ФОЙДАСИГА 10,3 МЛРД. СЎМ ҚАЙТАРИЛДИ

Хусусан, истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича пандемия даври бошлангандан бугунги кунга қадар 2,2 мингдан ортиқ истеъмолчилар мурожаатлари кўриб чиқилди. Уларнинг 86 фоизи тўлиқ ҳал қилинди ва истеъмолчилар фойдасига 655 млн. сўмдан ортиқ қайтарилди, қолганлари бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларини тиклаш жараёнида.

Тадбиркорлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган импорт хом-ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва уларнинг нархларини, шу божхона ставкаларини камайтириш ва нотариф тартибга солишни (сертификатлаштириш ва бошқа техник тартибга солувчи ҳужжатлар) соддалаштириш орқали пасайтириш бўйича бевосита тадбиркорлар билан мулоқотлар орқали таклифлар ишлаб чиқилди.

Натижада, айрим монопол товарлар ва хизматлар нархи камайтирилди (масалан, полиэтилен 40 фоизга, полипропилен – 15 фоизга, газ ҳисоблашчилари қиёслашдан ўтказиш – 6 фоизга), биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулотларининг тўлов муддатини 20 кунга узайтиришга эришилди.



399 та тадбиркорлик субъектларига нисбатан рақобатга зид ҳаракатлар, давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ноқонуний ҳаракатлари ҳамда бизнес юритишини янада енгиллаштиришга оид мурожаатлари кўриб чиқилди.

Мурожаатлар бўйича тадбиркорлар фойдасига 10,3 млрд. сўм қайтарилиб, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг корхонлари томонидан

асоссиз қўшимча тўлов қўлланилиши олди олинди.

Қолаверса, қўмита томонидан рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Хусусан, давлат ва маҳаллий ҳокимлик органларининг 62 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рақобатга бўлган таъсири баҳоланди ва уларнинг 72 фоизда рақобат ва ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи нормалари мавжудлиги аниқланиб, тегишли тавсиялар берилди. Шунингдек, ўрганишлар даврида 16 та товар ва молия бозорларида рақобат муҳити таҳлил қилиниб, 5 та янги монопол корхона борлиги аниқланди. Шу билан бирга рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатадиган эксклюзив ҳуқуқлар таҳлил ўтказилди ва 13 та ҳужжалик юритувчи субъектларга берилган эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрланди.

Ўрганишлар жараёнида монополия субъектлари томонидан 33 та рақобатга зид ҳаракатлар аниқланди ва бартараф этилди ҳамда тадбиркорларнинг 60 млрд. сўмга тенг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинди.

Давлат харидлари доирасида тендерлар устидан назорат

борасида ҳам сезиларли ишлар қилинаётганини қайд этиш даркор. Жумладан, 26 та тендер савдоларида иштирок этилиб, бошланғич қиймати жами 5,3 трлн. сўмлик 8 та тендер доирасида рақобат чекланиши ва давлат бюджетига зарар етказилиши бартараф этилди.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси
Матбуот хизмати

